

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

**№ 8 (3) - 2023**

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

---

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

---

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ**

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/SCP1342V3I8Y2023

**SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 8 (3)-2023*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

#### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васида Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

### **Crossref DOI:**

Тахририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

**Тахририят манзили:**  
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
Телеграм канал: [https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

- Воҳидова Комила Абдуллозизовна*  
“ЭЛ БАЙРОҒИ” ГАЗЕТАСИ ҲАҚИДА ..... 11-17
- Сулайманов Саламат Арепбаевич*  
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МУХТОР ВИЛОЯТИДА ҚУРУҚЛИК ВА СУВ ТРАНСПОРТИ: МУАММО  
ВА ЕЧИМЛАР (1924-1932 ЙЙ) ..... 18-24
- Раунов Холмамат*  
ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА УРАН КОНЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ТАРИХИ ..... 25-32
- Мажидов Анвар Сиражович*  
ИМПЕРИЯ МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИНИНГ ТУРКИСТОН ТУБ ХАЛҚЛАРИНИНГ  
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ФУҚАРОЛИК АҲВОЛИГА ТАЪСИРИ (СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ  
МИСОЛИДА) ..... 33-40
- Begatova Nasiba Xolmurzayevna*  
FERMER XO‘JALIKLARI VA KLASSTER TIZIMI UCHUN O‘RTA MA‘LUMOTLI MUTAXASSISLARNI  
TAYYORLASH TIZIMIDAGI YUTUQLAR VA MUAMMOLAR (SURXONDARYO VILOYATI  
MISOLIDA) ..... 41-48
- Алланазаров Мурот Мирзаевич*  
БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ НОЗИРЛАР ШЎРОСИ ВА МИЛЛИЙ РАҲБАР  
ХОДИМЛАР ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА ..... 49-54
- Ismoilova Feruza Ibragimovna*  
URUSH YILLARIDA XOTIN-QIZLARNING ILM-FAN VA MADANIYAT SOHALARIDAGI  
XIZMATLARI ..... 55-59
- Tursunov Xurshid Nasriddinovich*  
O‘ZBEKISTONDA MUSTAQILLIK YILLARIDA TARIXCHI KADRLAR TAYYORLASH SOHASI  
HUQUQIY ASOSLARINING YARATILISHI ..... 60-64

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

- Yuldosheva Gulnoza Abdinabiyevna*  
THE ROLE OF THE DIGITAL ECONOMY IN MODELING THE FINANCIAL ACTIVITIES OF  
ENTERPRISES ..... 65-70
- Oromidinov Muzaffar Pardabayevich*  
DIRECTIONS FOR IMPROVING INTERNAL AUDIT IN COMMERCIAL BANKS ..... 71-75
- Худайназарова Дилором Хайруллаевна*  
ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ДОИРАСИДАГИ  
РИСКЛАРИНИ СТРАТЕГИК ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ..... 76-84

<i>To'lov Ulug'bek Toshmamatovich, Jo'rayev Sirojiddin Muxiddin o'g'li</i> KO'CHMAS MULKNI SOLIQQA TORTISHDA XORIJIY DAVLATLARDA AMALGA OSHIRILGAN ISLOHOTLAR .....	85-92
<i>Xudayberganov Dilshod Tuxtabayevich</i> MINTAQADA XIZMAT TURLARIDAN SAMARALI RIVOJLANTIRISH YO'NALISHLARI .....	93-98
<i>Turobov Sherzod Alisherovich</i> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA UY XO'JALIKLARI TADBIRKORLIGINI RIVOJLANTIRISHDA DAVLAT SIYOSATI .....	99-105
<i>Шамсиев Нодир Муратович</i> МЕТОДЫ ОЦЕНКИ ПОКАЗАТЕЛЕЙ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ ПРИ АНАЛИЗЕ РЕЙТИНГОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ИХ КАЧЕСТВЕННОЕ ОПИСАНИЕ .....	106-110
<i>Zaripova Moxira Zarip qizi</i> AGRAR SOHAGA XORIJIY INVESTITSİYALARNI JALB QILISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH IMKONIYATLARI .....	111-114
<i>Узайдуллаев Шерзод Шукуруллаевич</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ОМИЛЛАРИ .....	115-121
<i>Atabayeva Karomat Rajabovna, Rajabova Maftuna Farhod qizi</i> O'ZBEKISTONDA TURIZM SOHASINING RIVOJLANISHI VA TAHLILI .....	122-127
<i>Жумаева Мухлиса Абдуғани қизи</i> МАМЛАКАТДА АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	128-137
<i>Камалов Акмал Сайдакбарович, Саматов Ғаффор Аллақулович</i> ГЕОИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ШАРОИТИДА ТРАНСПОРТ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА БЎЛГАН ЁНДАШУВЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ .....	138-150
<i>Мамадиёров Олимжон Умарович</i> ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАШ НАЗАРИЯЛАРИ ЭВОЛЮЦИЯСИ.....	151-158
<i>Раббимов Жахонгир Эшбоевич</i> ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ОПЕРАЦИОН РИСКЛАРНИНГ МОҲИЯТИ, УЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ .....	159-164
<i>Кулибоев Азамат Шоназарович</i> ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ .....	165-174

*Гадоев Сўҳроб Жумакулович*  
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТИНИНГ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
ЙЎЛЛАРИ ..... 175-181

*Бекжанов Дилмурод Йўлдашович*  
ЭМПИРИК ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА ТУРИСТИК ДЕСТИНАЦИОН  
МЕНЕЖМЕНТ ЖАРАЁНИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ ..... 182-193

### **09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Boydadayev Abdurroхтон Tolibjon o'g'li*  
SHARQ VA G'ARB IRRATSIONAL FALSAFASIDA PANTEISTIK QARASHLARNING QIYOSIY  
TAHLILI (J.RUMIY VA F.NITSSHE FALSAFASI MISOLIDA) ..... 194-200

*Xayridinov Abbosxon Anvarovich*  
GLOBALLASHUV JARAYONIDA MA'NAVIY MA'RIFIY INQIROZLARNING OLDINI OLISHDA  
MARKAZIY OSIYO QADRIYATLARINI YUKSALTIRISH ISTIQBOLLARI ..... 201-205

*Quramboyev Alisher Maxsudovich*  
TEMURIYLAR DAVRIDA IJTIMOY ADOLAT TAMOYILLARINING AMAL QILISHI ..... 206-211

*Jo'rayev Alisher Tulqinboyevich*  
JAMIYAT MILLIY ASOSLARINI MUSTAHKAMLASH – DAVLATNING USTUVOR  
MAQSADI..... 212-217

*Turabova Sevara Kattaqulovna*  
ILMIY VAHS FENOMENINING MANTIQUIY- GNOSEOLOGIK MAQOMINI O'RGANISHDA  
KONSEPTUAL-METODOLOGIK YONDOSHUV ..... 218-224

*Пардаева Марҳабо Давлатовна*  
АЛИШЕР НАВОЙ АСАРЛАРИДА ИЛМГА ОИД ҚАРАШЛАРИНИНГ НАҚШБАНДИЯ  
ҲОЯЛАРИ БИЛАН УЙҒУНЛИГИ ..... 225-233

*Qutlimuratov Sardorbek Rustamovich*  
NIKON MUNOSABATLARINING TADRIJIY RIVOJLANISHI ..... 234-240

*Tursunkulova Shaxnoza Tuychiyevna*  
DINIY MANBALARDA GO'ZALLIK TO'G'RISIDAGI FALSAFIY QARASHLAR ..... 241-246

*Юсупова Феруза Зойировна*  
АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ – ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШИНING МЕЗОНИ ..... 247-251

*Teshaboev Muhiddin Marifovich*  
IJTIMOIY ADOLATNI TA'MINLASHNING PRINSIPIAL MASALALARI ..... 252-257

## **10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

<i>Soatova Nodira Isomitdinovna</i> LIRO-EPIK ASARLARDA POETIK FIKRNING BADIY IFODASI .....	258-265
<i>Narmuratov Zayniddin Radjabovich</i> FRAZEOLOGIK BIRLIKLAR LINGVOMADANIY BIRLIK SIFATIDA .....	266-269
<i>Yusupova Omina Muhammadzoir kizi</i> DIFFERENT CLASSIFICATION OF FAIRYTALE DISCOURSE IN WORLD AND UZBEK FOLKLORE .....	270-276
<i>Бозорова Хулкар Одинакуловна</i> РУССКИЙ ЯЗЫК КАК СОСТАВЛЯЮЩАЯ СОДЕРЖАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ СПЕЦИАЛИСТОВ .....	277-282
<i>Matyakubov Oybek Quralbayevich</i> KOGNITIV TILSHUNOSLIKDA «KONSEPT» TUSHUNCHASI .....	283-288
<i>Фатуллаева Камола Рахматуллаевна</i> ТЕРМИНЛАРНИНГ БЕЛГИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ .....	289-293
<i>Karimjonova Shahlo Ravshanjonovna</i> O'ZBEK TILIDA KAUZATIV FE'LLARNING YASALISH USULLARI .....	294-299
<i>Xamzayev Otaxon Erkinovich</i> INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA KASB-HUNARGA OIDMAQOLLARNING CHOG'ISHTIRMA Tahlili .....	300-305

## **12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР**

<i>Абдурахманова Нодирахон</i> ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ СМАРТ-КОНТРАКТОВ В СНГ .....	306-310
<i>Сафоева Садокат Мусоевна</i> ЭКОСИСТЕМА СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЕЙ: ИССЛЕДОВАНИЕ РОЛЕЙ ЗАИНТЕРЕСОВАННЫХ СТОРОН В КОНТЕКСТЕ ГРАЖДАНСКОГО ПРАВА .....	311-320
<i>Абдуллаева Маликабону Эркин қизи</i> ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ОИД АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИНИНГ ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ .....	321-330

## **13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

<i>Zoirova Lola Xamidovna</i> TIBBIYOT OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA "INSON ORGANIZMINING RADIATSIYAGA SEZGIRLIGI" MAVZUSINI O'QITISHDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN	
---	--



FOYDALANISH .....	331-336
<i>Ibragimov A'lamjon Amrilloevich</i> KOGNITIV SIFATLARNING UZLUKSIZ KASBIY RIVOJLANISHGA TA'SIRI (MAKTAB PEDAGOG XODIMLARI MISOLIDA) .....	337-343
<i>Madaminov Azimbek Egamberganovich, Xalillayev O'ktam Sobir o'g'li</i> YOSH GANDBOLCHI DARVOZABONLARNI O'YIN TEXNIKASIGA O'RGATISH .....	344-349
<i>Fayzullaeva Madina Abdumumin kizi</i> ANALYSIS OF THE POSITIVE IMPACT OF DIGITAL TECHNOLOGIES ON THE MOTIVATION AND KNOWLEDGE OF STUDENTS IN THE DEVELOPMENT OF THE EDUCATIONAL PROCESS .....	350-355
<i>Джумаева Хулкархан Мухаммаджонова</i> ВНУТРЕННИЕ УГРОЗЫ, НЕГАТИВНО ВЛИЯЮЩИЕ НА ДУХОВНОСТЬ СТУДЕНТОВ..	356-361
<i>Islomova Madina Asqarovna</i> INTEGRATSIYALASHGAN SUN'IY INTELLEKT TOMONIDAN YARATILGAN CHATGPT BOT YORDAMIDA NEMIS TILI O'QITISHNING SAMARADORLIGINI OSHIRISH .....	362-368
<i>Raxmatova Mexrinov Majitovna</i> YOSHLAR MA'NAVIY SALOHİYATINI O'RGANISHNING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI .....	369-373
<i>Абдукаюмова Наргиза Райимовна</i> ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАДАНИЙ-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ШАРТЛАРИ .....	374-384
<i>Norboyev Farxod Chorshanbiyevich</i> KREATIVLIK VA INNOVATSIYA BORASIDA ZAMONAVIY NAZARIYALAR .....	385-390
<i>Borasheva Aybolgan</i> EXPLORING JAMES MCCROSKEY'S RESEARCH ON WILLINGNESS TO COMMUNICATE IN L1 CONTEXTS: IMPLICATIONS FOR LANGUAGE TEACHING AND LEARNING .....	391-398
<i>Fayzullayeva Gulchexra Sharipboyevna</i> KOGNITIV TADQIQOTLARNING FANLARARO TUSHUNCHA SIFATIDAGI MOHIYATI VA MANTIQUIY TAHLILI .....	399-409
<i>Boboraximov Sanjar Malikjanovich</i> MAKTABDA O'QUVCHILARNI JISMONIY TARBIYALASHNING ZARURATI VA UNGA QO'YILADIGAN TALABLAR .....	410-414
<i>Salimova Shahlo Sayfulloyevna</i> XAVFSIZ TA'LIM MUHITI MONITORINGINING AHAMIYATI .....	415-421

<i>Sayfiddinova Jamila Ziyodulla qizi</i> METHODOLOGY FOR THE DEVELOPMENT OF LOGICAL REASONING IN PRIMARY SCHOOL PUPILS .....	422-427
<i>Xamroyev Samijon Salimovich</i> SPORT TO‘GARAKLARI ORQALI TALABALARNING JISMONIY MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH KOMPONENTLARI .....	428-433
<i>Kattaeva Feruza Shakirovna</i> DEVELOPING STUDENTS SOCIO-CULTURAL COMPETENCE BY USING SOCIO CULTURAL DISCOURSE ANALYSIS METHOD .....	434-441
<i>G‘ofurov Azizbek Umarjonovich</i> BO‘LAJAK JISMONIY TARBIYA FANI O‘QITUVCHILARINI TAYYORLASH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH .....	442-447
<i>Abduraximova Umida Shuxratovna</i> BO‘LAJAK TARJIMONLARNING LINGVOMADANIY VA KOMMUNIKATIV KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI .....	448-454
<i>Obidova Gulmira Kuzibaevna</i> INGLIZ TILINI O‘RGANISH JARAYONIDA TEXNIKA TA‘LIM YO‘NALISHI TALABALARIDA EKOLOGIK MADANIYAT ASOSLARINI SHAKLLANTIRISHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEKNOLOGIYALAR VA INTERAKTIV METODLAR .....	455-460
<i>Axmadaliyeva Xosiyatposhsho Abduxayotovna</i> PROFESSINAL TA‘LIM YO‘NALISHLARIDA TAHSIL OLAYOTGAN O‘QUVCHILARNING INGLIZ TILIDAN KOMMUNIKATIV KOMPETENSIYASINI AUTENTIK MATERIALLAR ORQALI TAKOMILLASHTIRISH .....	461-469

07.00.00-Тарих фанлари

**Раупов Холмамат**

Навоий кон-металлургия комбинати,  
тарих фанлари номзоди, доцент  
E-mail: [hr.raupov@ngmk.uz](mailto:hr.raupov@ngmk.uz)

### **ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА УРАН КОНЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ТАРИХИ**

**Аннотация.** Мақолада XX асрнинг 30-50 йилларида Ўзбекистон ҳудудида геологларнинг қидирув ишлари натижасида йирик уран захираларининг топилиши ва ўзлаштирилиши ҳамда уни қайта ишлаш мақсадида Навоий кон-металлургия комбинатининг ташкил этилиши каби масалалар таҳлил этилган.

**Таянч сўзлар:** геологик қидирув, Қизилқум, уран, илмий-тадқиқот ишлари, атом саноати, кон-металлургия корхонаси.

**Raupov Kholmamat**

Navoi Mining and Metallurgical Company,  
candidate of historical sciences, docent

### **THE HISTORY OF DEVELOPMENT OF URANIUM DEPOSITS IN UZBEKISTAN**

**Abstract.** The article analyzes such issues as the discovery and development of large reserves of uranium as a result of geological exploration in Uzbekistan in the 30-50s of the twentieth century, as well as the formation of Navoi Mining and Metallurgical Company for their processing.

**Key words:** exploration, Kyzylkum, uranium, scientific research, nuclear industry, mining and smelting enterprise.

**Раупов Холмамат**

Навоийский горно-металлургический комбинат,  
кандидат исторических наук, доцент

### **ИСТОРИЯ ОСВОЕНИЯ УРАНОВЫХ МЕСТОРОЖДЕНИЙ НА ТЕРРИТОРИИ УЗБЕКИСТАНА**

**Аннотация.** В статье проанализированы такие вопросы, как открытие и освоение крупных запасов урана в результате геологоразведочных работ в Узбекистане в 30-50-е годы XX века, а также образование Навоийского горно-металлургического комбината для их переработки.

**Ключевые слова:** геологоразведка, Кызылқум, уран, научно-исследовательские работы, атомная промышленность, горно-металлургическое предприятие.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SCP1342V3I8Y2023N03>

**Кириш.** XX асрнинг 40-50 йилларида СССР ва АҚШ ўртасида ядро қуролини яратиш бўйича рақобат вужудга келганлиги маълум. Бу тўғрисида кўплаб илмий

мақолалар ва китоблар ёзилган. Олимлар томонидан атом энергияси олиш учун кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилди. Рус олими В.И.Вернадский 1922 йилда Кимё-техник илмий нашриёти томонидан чоп этилган “Очерки и речи” китобида [1;23]. атом энергияси тўғрисида ўзининг қарашларини баён этади. Шунингдек, олим 1910 йил 29 декабрда Россия Фанлар академиясининг умумий йиғилишида қилган маърузасида [2;44]. радиоактив маъданлар Урал, Сибир хуудлари қаторида Фарғонада ҳам бўлиши керак ва уларни келгусида топиш тўғрисида ҳамда ҳозирча уларнинг захиралари ҳақида билмаймиз, деган илмий қарашларни билдиради.

**Адабиётлар таҳлили ва методология.** Советлар даврида Ўзбекистонда жойлашган кон-металлургия комбинатлари тўғрисида етарли даражада тадқиқот қилинмаган. Тадқиқотларнинг асосий қисми СССР республикаларидаги кон-металлургия комбинатлари тўғрисида бўлиб, уларда масалага бир томонлама ёндашувлар тарзида тадқиқ этилган. Ўзбекистон хуудидидаги конларнинг топилиши ва тарихи бўйича геологларнинг тадқиқотларида қисман келтириб ўтилган. Бунинг сабаби, фикримизча бу соҳа корхоналари, жумладан, Навоий кон-металлургия комбинати ўша пайтда атом саноати бўйича фаолият олиб борган Ўрта машинасозлик вазирлигига бўйсунуши ва ундаги корхоналар фаолияти тадқиқотчилар учун ёпиқ бўлган. Кейинги йилларда Россия ва Ўзбекистондаги бу соҳа бўйича айрим архив ҳужжатларининг очилиши натижасида маълумотлар олинди.

**Тадқиқот методологияси.** Муаммони ёритишда тизимлаштириш, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез ҳамда муаммовий-хронологик каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар:** XX асрнинг 20 йилларидаёқ Совет ҳукумати томонидан Ўрта Осиё хуудидида табиий радиоактив хомашёни қидириб топиш бўйича геологик қидирув ишлари бошлаб юборилади. 1922 йилда С.П.Александров бошчилигида “Туямуйин” конида қидирув ишлари, 1923 йилда эса ундан руда қазиб олиш ишлари бошланди. Бу конда 170 метр чуқурликкача қазиш ишлари олиб борилган. 1925 йилда геолог олим С.Ф.Машковес томонидан Табошар (Тожикистон Республикасининг Сўғд вилояти) хуудидидаги қадимги конларда олиб борилган қидирув ишлари натижасида радиоактив минераллар мавжудлиги аниқланди. 1926 йилда бу хуудда яна бир геолог олим Б.Н.Наследов томонидан қидирув ишлари давом эттирилади. Натижада 1927 йилда унинг партиясидаги геолог И.П.Новохатовсий томонидан уран кони топилади. Шунингдек, Шимолий Фарғонанинг Мойлисой дарёси бўйларида геолог Я.К.Писарчик томонидан олиб борилган қидирув ишлари натижасида юқори радиоактив маъданлар топилади [3; 10-11]. Бу эса бу ерда уран борлигига ишора эди. Кейинчалик бу жойда йирик уран конлар топилиб, уни қазиб олиш ишлари бошланди.

XX асрнинг 30-йилларида дастлаб Европада, кейинчалик АҚШда атом энергияси ва уни ишлатишга бўлган қизиқиш жуда катта бўлган. Бу борада ўз даврининг энг йирик олимлари илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган. СССРда ҳам бу борада кенг кўламли ишлар олиб борилган. Бу соҳада И.Курчатов, В.Вернадский, В.Хлопин, Ю.Харитон каби дунёга таниқли олимлар иш олиб бордилар. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Совет олимлари уран бўйича тадқиқот ишларини тўхтовсиз олиб боришган.

СССР Давлат мудофаа қўмитасининг 1942 йил 27 ноябрда “Уран қазиб олиш тўғрисида” ги 2542сс-сонли махфий қарори чиқади [4;43]. Қарорда Ўрта Осиё

худудидаги уран конларини ўзлаштириш бўйича Рангли металллар халқ комиссарига уран конларини топиш учун геологик қидирув ишлари ва қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш вазифалари топширилди. 1943 йилда Тожикистоннинг “Табошар” конида (Табошар – IX-X асрларда Илоқ конлари гуруҳидаги металл кони бўлган. Қурама тизмаси жанубий- ғарбий ён бағридаги Қорамозор тоғининг Табошарсой ҳавзасида жойлашган) урanni қазиб олиш ва қайта ишлаш ишлари бошланди.

СССР Геология қўмитасининг 1945 йил 23 ноябрда ҳукуматга юборган махфий хатида Ўрта Осиё республикалари — Тожикистон ССРда Кони Мансур, Жеркамар, Сари-Қўрғон ва Желтимас, Ўзбекистон ССРда Зирабулоқ тоғлари, Қоровулбозор тумани ва Қарши чўллари худудида топилганлиги ҳамда “Уйғур” конида уран захиралари 2-3 марта кўп аниқланганлиги, шунингдек, Қирғизистон ва Қозоғистонда ҳам катта уран конлари топилганлиги қайд этиб ўтилади [5;20].

СССР Давлат мудофаа қўмитасининг 1945 йил 15 майдаги қарори билан Тожикистондаги “Туямуйин” ва “Табошар”, “Адрасман” ва “Мойлисой” ҳамда “Уйғурсой” каби уран конлари негизда НКВД тизимига кирган 6-сонли кон-кимё комбинати (кейинчалик Ленинобод кон-кимё комбинати) ташкил этилди [6;109]. Мазкур комбинат томонидан 1945 йилда СССРда дастлабки 14,5 тонна [7] уран маҳсулоти саноат усулида олинди.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, урушдан кейинги йилларда уран СССРдан ташқарида, яъни урушдан кейин социалистик лагерда бўлган Германия, Чехословакия, Полша ва Болгарияда ҳам қазиб олиниб, атом саноати учун фойдаланилган. Маълумотларга кўра, 1951 йилда 2321 тонна уран маҳсулоти олинган бўлса, унинг 636 тоннаси СССРда, қолган 1685 тоннаси юқорида келтирилган мамлакатларда олинган. Уларнинг орасида энг кўп уран етказиб берувчи мамлакат бу-Германия бўлиб, ўша йили 1250 тонна уран етказиб берган [8]. Маълумки, Германиянинг бир қисми урушдан кейин социалистик лагерь таркибига кирганидан кейин унинг худудидаги барча уран конлари ва заводлари СССР атом саноати учун ишлаган.

СССР Давлат мудофаа қўмитасининг 1944 йил 8 декабрдаги “Уран маъданларини қазиб олиш ва қайта ишлашни ривожлантиришни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 7102сс/ов-сонли махфий қарори [9] билан “Туямуйин” ва “Табошар”, “Адрасман” ва “Мойлисой” ҳамда “Уйғурсой” уран конлари НКВД таркибига ўтказилган. Комбинат ташкил этилгандан сўнг унинг хомашё базасини янада кенгайтириш мақсадида янги конларни очиш ишларига катта эътибор қаратилди. Жумладан, 1949 йилда Тошкент вилояти тоғ-кон худуди (Приташкентский, яъни Олмалик, Оҳангарон ва Ангрен худудлари)да “Янгиобод”, “Алатанга” ва “Каттасой”, 1952 йилда “Човли”, “Красногорск”, 1953 йилда “Чоркесар”, 1954 йилда “Мойликатан”, 1955 йилда “Ризак” ва 1956 йилда “Жекиндек” конлари очилди [10;110]. Мазкур конлардан қазиб олинган уран маъданлари Ленинобод кон-кимё комбинатида қайта ишланиб, кўп йиллар давомида СССР атом саноати учун уран етказиб берди. Ҳозирги кунда бу конлар консервация қилинган.

СССР учун уран жуда зарур бўлганлиги сабабли ҳатто, улар томонидан конлардан маъданларни ташишда от ва эшаклардан ҳам фойдаланилган. Масалан, 1943 йилда “Табошар”, “Адрасман” ва “Уйғурсой” уран конларида 130-150 нафар ишчи-ходимлар ишлаган ҳамда 15 тагача автомашиналар билан бирга 30 тагача от ва эшаклардан

маъданларни ташишда фойдаланилган[11]. Маълумотларга кўра 1948 йилга келиб Ленинобод кон-кимё комбинати СССРдаги энг йирик уран ишлаб чиқарувчи корхона бўлиб, унда 15 минг нафар ишчи-ходимлар ишлаган[12;171].

Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган “Янгиобод”, “Чоркесар” ва “Красногорск” уран конларидан олинган маъданлар дастлаб Ленинободдаги комбинатга жўнатилган. Красногорскдаги уран кони 1992 йилда Навоий кон-металлургия комбинати таркибига ўтказилган. Янгиободдаги кондан ўтган аср 80 йилларининг ўрталарига қадар, Чоркесардаги кондан эса 1995 йилгача уран қазиб олинган. Бу конлар кейинчалик иқтисодий самарадорлиги камайганлиги учун консервация қилинган.

СССРда уруш йилларида ҳам уран бўйича илмий тадқиқот ишларига катта эътибор берилди. Жумладан, СССР Давлат мудофаа қўмитасининг 1942 йил 28 сентябрдаги “Уран бўйича ишларни ташкил тўғрисида”ги махфий 2352сс-сонли фармойиши [13] билан Фанлар академиясига атом энергетикаси ва ядро бомбани тайёрлаш учун уран бўйича тадқиқотлар олиб боришни тиклаш бўйича топшириқ берилади. СССРда уран билан боғлиқ илмий-тадқиқотларни олиб бориш мақсадида Давлат мудофаа қўмитасининг 1943 йилнинг 30 июлдаги “ Уран тузларини ишлаб чиқариш, уранни қазиб олиш ва геологик қидирув ишларни ташкил этиш ҳақида”ги махфий 3834сс-сонли фармойишида СССР Фанлар академиясига унинг Ўзбек филиалида уранни аниқлаб берадиган радиометрик лабораторияни ташкил этиш бўйича топшириқ берилади [14].

СССР ҳукумати атом саноати учун зарур бўлган уран ишлаб чиқариш учун барча имкониятларни ишга солган. Ўзбекистон ҳудудидаги Чирчиқ электрохимия комбинатида алоҳида цех ташкил этилиб, атом саноати учун зарур бўлган оғир сув ишлаб чиқарилган [15]. Оғир сув, яъни D<sub>2</sub>O водороднинг изотопи дейтерий (D) нинг қислород билан бирикмаси ҳисобланади. Биринчи марта 1932 йилда америкалик физик Гаролд Юри табиий сувда оғир сув молекулалари борлигини кашф этганлиги учун 1934 йилда Нобел мукофотини олган. Америкалик олимлар Г. Люис, Р. Макроналд ва Ф. Спеддинглар 1933 йилда электролиз қилиш ва фракцион ҳайдаш йўли билан деярли 100 фоизли D<sub>2</sub>O молекулаларидан ташкил топган соф оғир сув ажратиб олганлар[16]. Оғир сув асосан ядро реакторларида нейтронлар тезлигини сусайтиришда қўлланилган.

Чирчиқдаги завод томонидан атом саноати учун 1946 йилда 103,4 тонна, 1947 йилда 2455,5 тонна, 1949 йилда 6310 тонна, 1951 йилда 7700 тонна оғир сув ишлаб чиқарилган. СССР бўйича 9 та заводда 1951 йилда 23000 тонна оғир сув ишлаб чиқарилган бўлса, унинг салкам 30 фоизини Чирчиқдаги завод етказиб берган[17].

Маълумки, XX асрнинг 30-50 йилларида геологлар томонидан Қизилқум саҳросида ҳам кенг кўламли геологик қидирув ишлари олиб борилди. Қизилқум ҳудудида уран борлиги тўғрисидаги биринчи маълумотлар геолог Ю.М.Голубкова томонидан қайд этилди. У 1928-1929-йилларда Ауминзатов ҳудудини ўрганиш жараёнида уран борлигини аниқлайди. 1931 йилда геолог А.Соседко Томдитов, Букантов ва Альтинтов ҳудудидаги маъданлар таркибида ураннинг мавжудлигини таъкидлайди. 1938 йилда Т.Мястовский Альтинтов ҳудудида уран борлигини аниқлайди[18].

1940 йилдан бошлаб Ўзбек геология бошқармаси томонидан Қизилқумда кенг кўламли тадқиқот ишлари олиб борилди ва унинг натижасида геологик, гидрогеологик

ва геоморфологик хариталар тузилади. 1946 йилда О.М.Лифановкая бу худудни текшириб чиқиб, унда геологик ишларни давом эттириш таклифини билдирди. 1950 йилда В.Ф.Фомин Альтинтовнинг жанубий томонида уран минералларини топди. 1953 йилда В.В.Сикорский томонидан текширилиб, унинг мавжудлиги тасдиқланди. Бу худудда 1951-1952 йилларда олиб борилган аэрорадиометрик қидирув ишлари натижасида 1952 йилда Альтинтов худудидида “Учкудуқ” уран кони топилди [19].

СССРда уруш бўлишига қарамасдан 40-йилларда геологлар томонидан уран конларини қидириш ишлари бир зум ҳам тўхтамаган. СССР Геология ишлари қўмитаси раиси И.Малишев 1944 йил 23 ноябрда НКВДга берган махфий хатида Ўзбекистон ССР худудининг Қораулбозор ва Қарши чўллари ва Зирабулоқ тоғларида уран борлиги тўғрисида хабар беради [20]. Уран жуда зарур металл бўлганлиги учун СССР бўйича уран конларини топиш бўйича 1944 йилда Геология қўмитасига 6,5 млн. рубль маблағ ажратилган бўлса, 1945 йилда бу маблағ 18,0 млн. рублни (шундан 9,35 млн рубль Ўрта Осиё учун) ташкил этган [21]. Бу маблағ 1946 йилда 10 баробарга ортиб, 196 млн. рублни ташкил этди[22;19]. Бундан кўриниб турибдики, Марказ уранни қидириб топиш ва уни ўзлаштириш учун маблағни йил сайин кўпайтириб борган. Бу маблағлардан ўз навбатида юртимиз худудларидаги қазилма бойликларини қидириб топиш ва уларни ўзлаштириб, ташиб кетиш мақсадида ҳам фойдаланилган.

Атом саноати учун зарур бўлган уран конларини қидириб топишда геологларни рағбатлантириш мақсадида алоҳида рағбатлантириш тизими ишлаб чиқилади. Унга кўра, бир тонна маъдан таркибида 1 фоиз металл бўлган ва 10 тоннадан кам бўлмаган захираларни топганлиги учун ҳар тоннаси учун 5000 рубль, маъдан таркибида 0,5 фоиз металл бўлиб, 10 тоннадан кам бўлмаган захираси бўлса, ҳар тоннаси учун 2000 рубль, маъдан таркибида 0,1 фоиз металл бўлган ва захираси 20 тоннадан кам бўлмаган ҳолда ҳар тоннаси учун 1000 рублдан мукофот берилиши белгиланган[23].

СССР геология вазирлигига қарашли Краснохолмск экспедицияси томонидан олиб борилган қидирув ишлари натижасида 1952 йилда бугунги Учкудуқ худудидида йирик уран конлари топилди[24]. Уран конини топган А.Н.Петренко, М.Э.Пояркова, А.И.Пак СССР давлат мукофотида сазовор бўлишади.

Уранни қазиб олиш ва қайта ишлаш учун жадаллик билан ҳаракатлар бошланди. СССР ҳукумати уран конларини қидириб топиш учун маблағни аямаган ва унга энг тажрибалари геологларни жалб этган. 1951 йилда Махсус қўмита раиси Л.Берия ва П.Антропов Сталинга ёзган ҳисоботида уран конларини қидириш учун геология вазирлигида 165 та махсус геологик партиялар ташкил этилиб, уларга 17500 нафар ходимлар жалб этилганлигини билдиради. Шунингдек, атом саноатининг кон-кимё корхоналарида 92000 нафар ишчи-ходимлар фаолият олиб бораётганлиги тўғрисида маълумот берилади[25].

СССР Олий Совет Президиумининг 1953 йил 26 июндаги “СССР Ўрта машинасозлик вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги 226-сонли фармони[26] бу соҳани янада ривожлантириш учун қилинган қадам эди. Вазирлик олдида уран конларини геологик қидириш, уран ва бошқа зарур маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида илмий тадқиқот ва конструкторлик ишларини олиб бориш, атом бомбаси учун зарур материалларни ишлаб чиқариш каби вазифалар юклатилади. Ўрта машинасозлик вазирлиги таркибида уран ишлаб чиқарувчи 11та корхона фаолият олиб

борган. Шундан 6 таси Ўрта Осиё ҳудудида фаолият юритган[27]. Жумладан, Ленинобод кон-кимё комбинати (Тожикистон ССР), Навоий кон-металлургия комбинати (Ўзбекистон ССР), 15-Кон бошқармаси (Гизилгая шаҳарчаси, Туркменистон ССР), Селиный кимё-металлургия комбинати (Степогорск шаҳри, Қозоғистон ССР), Прикаспий кон-металлургия комбинати (Ақтау шаҳри, Қозоғистон ССР) ва Қирғиз кончилик комбинат (Қирғизистон ССР)лари уран ишлаб чиқариш бўйича фаолият олиб боришган.

Навоий кон-металлургия комбинати Учқудуқ ҳудудида уран рудасини қазиб олиш ва қайта ишлаш мақсадида ташкил этилган эди. Совет ҳукуматининг 1958 йил 20 февралдаги 206-99-сонли қарори билан Навоий кон-металлургия комбинати (1967 йил 1 январга қадар корхона Ўрта машинасозлик вазирлигининг 2-сонли комбинати деб номланган) ташкил этилди [28]. Комбинатнинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати сифатида 1600 минг тонна маъданни қазиб олиш ва ундан 1560 тонна маҳсулот, яъни уран чала оксидини олиш вазифаси белгиланди.

Ташкил этилган янги корхонага Ўрта машинасозлик вазирлигининг 1958 йил 4 августдаги 0457-сонли бўйруғи билан Зарап Зарапетян директор, 1960 йилда эса комбинат бош муҳандиси этиб, Антон Щепетков тайинланди. Комбинат уран ишлаб чиқариш билан шуғулланганлиги сабабли унинг фаолияти махфийлаштирилган. Масалан, 1958 йилда 2-сонли комбинат деб номланиши билан бирга июнь ойида Марказ билан алоқалар учун “почта қутиси 3-сонли корхона” деган шартли манзил берилди. Телеграф ёзишмалар учун эса “Иртиш” номли пароль берилди[29]. Вазирликнинг 1960 йил 5 августдаги 1072с-сонли бўйруғи комбинатнинг ишчи-ходимлари учун уй-жой ва маданий-маиший объектларни қуриш бўйича бош лойиҳа тасдиқланди. Шунингдек, Москва 14-Горстройпроект институти томонидан Навоий шаҳри қурилишининг биринчи навбати бош лойиҳаси тасдиқланди ва иккинчи навбатини лойиҳалаш ишлари бошланди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1959 йил 13 октябрдаги 775-63-сонли қарорига мувофиқ Навоий шаҳрининг аҳолиси биринчи навбатда 50 минг нафар киши, иккинчи навбатда 70 минг нафар этиб белгиланди[30].

Янги ташкил этилган комбинатни малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида “Табосар” (Тожикистон) ва “Мойлисой” (Қирғизистон) уран конларидан соҳанинг тажрибали мутахассислари жалб этилди. Масалан, 1961 йилнинг 1 июнидан то 1 декабригача Ўрта машинасозлик вазирлигига қарашли корхоналардан 290 нафар киши, шундан, 65 нафар муҳандис-техник, 17 нафар хизматчи, 190 нафар ишчи ва 18 нафар ҳарбийдан захирага чиққанлар келди. Уларнинг 62 нафари кончилар, 14 нафари қурувчилар, 48 нафари ҳайдовчилар бўлган [31]. 1961 йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра комбинатда 970 нафар ишчи-ходимлар, шундан, 218 нафар муҳандис-техниклар, 68 нафар хизматчилар, 636 нафар ишчилар, 48 нафар ҳарбийдан захирага чиққанлар фаолият олиб борган. Шу билан бир қаторда 25826-сонли ҳарбий қисмда 395 нафар ҳарбий хизматчилар ҳамда комбинатнинг корхоналарида 1520 нафар махсус контингент (маҳкумлар) ишлаган[32].

**Хулоса.** Ўрта Осиё ҳудудидаги қазилма бойликларини қидириш ишлари Россия империяси томонидан XIX асрнинг иккинчи ярми бошланди. Бу сиёсат XX асрнинг 20-50-йилларида совет геологлари томонидан аниқ режалар асосида давом эттирилди. Геологлар томонидан Ўзбекистон ҳудудида олиб борилган экспедициялар натижасида



Олмалик ҳудуди ва Қизилқум саҳросида олтин, кумуш, мис ва уран конлари топилди. Мазкур конларнинг ўзлаштиришнинг бошланиши натижасида Қизилқумда уран ишлаб чиқарувчи йирик корхона Навоий кон-металлургия комбинати ташкил этилди.

Ўша пайтда комбинат жамоаси зиммасида масъулиятли вазифалар турарди. Қизилқум саҳросида бўлғуси шаҳарлар учун қурилиш саноатининг таянч базаларини яратиш, уларни электр энергияси билан таъминлаш учун иссиқлик станциясини барпо этиш, темирўл ва электр узатиш линиясини, сув қувурларини тортиш, уй-жой ва маданий-маиший иншоотларни қуриш зарур эди. Энг асосийси, режада кўзда тутилган барча ишларни қисқа муддатда бажара олишга қодир меҳнат жамоасини шакллантириш талаб қилинарди. Улкан саноат корхонасининг яратилишида матонатли, иродали, энг мураккаб муҳандис-техникавий ва ижтимоий масалаларни ҳал этишга қодир фидойи кишиларнинг беқиёс меҳнати сингди.

### Адабиётлар / Литература / References

1. Вернадский В.И. Очерки и речи. Т. 1.-Пг. :Научхимтехиздат, 1922, 158 с.
2. Вернадский В.И. Очерки и речи. Т. 1.-Пг.:Научхимтехиздат, 1922, 158 с.
3. История уранодобычи. 75 лет атомный промышленности. Автор составитель: Н.Петрухин. – Москва. –2020. -437 с.
4. Каримова Ш. История становления и развития атомный промышленности в Таджикистане.//Номаи Донишгоҳ. Учённые записки. Душанбе. 2017, №3(52).
5. История уранодобычи. 75 лет атомный промышленности. Автор составитель: Н.Петрухин. – Москва. –2020. -437 с.
6. История уранодобычи. 75 лет атомный промышленности. Автор составитель: Н.Петрухин. – Москва. –2020. -437 с.
7. Добыча урановых руд. Доклад И.В.Сталину. Атомный проект СССР: документы и материалы.Т.2. Кн.5. с. 629. [http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr\\_t2\\_kn5\\_2005/go,629](http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr_t2_kn5_2005/go,629).
8. Добыча урановых руд. Доклад И.В.Сталину. Атомный проект СССР: документы и материалы.Т.2. Кн.5. с. 679. [http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr\\_t2\\_kn5\\_2005/go,679](http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr_t2_kn5_2005/go,679).
9. О мероприятиях по обеспечению развития добычи ва переработки урановых руд. Атомный проект СССР: документы и материалы.Т.1. Ч.2. с.180-183.[http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr\\_t1\\_kn2\\_2002/go,180](http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr_t1_kn2_2002/go,180).
10. История уранодобычи. 75 лет атомный промышленности. Автор составитель: Н.Петрухин. – Москва. –2020. -437 с.
11. Атомный проект СССР: документы и материалы.Т.1. Ч.2 с .167. [http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr\\_t1\\_kn2\\_2002/go,167/](http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr_t1_kn2_2002/go,167/).
12. Славский Е.П. Уранодобывающие предприятий отечественной атомной отрасли. Автор составитель: Н.Петрухин. - АО «Атомредметзолото». — М., 2018. — 287 с.
13. Атомный проект СССР: документы и материалы.Т.1. Ч.1 с268-270. [http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr\\_t1\\_kn1\\_1998/go,268/](http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr_t1_kn1_1998/go,268/).

14. Об организаций геолого-разведочных работ, добычи уран, урановых солей. Атомный проект СССР: документы и материалы.Т.1. Ч..1 с366 .  
[//elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr\\_t1\\_kn1\\_1998/go,366/](http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr_t1_kn1_1998/go,366/).
15. Докладная записка . Атомный проект СССР: документы и материалы.Т.1. Ч..2 с24.[http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr\\_t1\\_kn2\\_2002/go,24/](http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr_t1_kn2_2002/go,24/).
16. Тяжёлая вода. <https://ru.wikipedia.org/wiki>.
17. Производство тяжелой воды. Атомный проект СССР: документы и материалы.Т.2. Ч..5 с 660. [http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr\\_t2\\_kn5\\_2005/go,660/](http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr_t2_kn5_2005/go,660/).
18. Навоий КМК Марказий архиви. 1-Фонд, 78- рўйхат, 430-иш, 7-варақ.
19. Атомный проект СССР: документы и материалы.Т.1.Ч.2 с. 161-162.  
[http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr\\_t1\\_kn2\\_2002/go,161/162](http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr_t1_kn2_2002/go,161/162).
20. Атомный проект СССР: документы и материалы.Т.1.Ч.2 с. 161-162.  
[http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr\\_t1\\_kn2\\_2002/go,161/162](http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr_t1_kn2_2002/go,161/162).
21. Атомный проект СССР: документы и материалы.Т.1.Ч.2 с. 202-203.  
[http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr\\_t1\\_kn2\\_2002/go,202/203](http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr_t1_kn2_2002/go,202/203).
22. Кудяшов К. Уран-патриотизм.// Аргументы и факты.№1-2, 2013 год, с.19.
23. Система премирования за открытия и прирост новых запасов руд А-9. Приказ Первого Главного управления при СНК СССР. 5 октября, 1945 года. Атомный проект СССР: документы и материалы.Т.2. Кн.5, С.--665. [http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr\\_t2\\_kn5\\_2005/go,665](http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr_t2_kn5_2005/go,665).
24. Навоий КМК Марказий архиви. 1-Фонд, 1-2 рўйхат, 240-иш, 60 -варақ.
25. Докладная записка Л.Берия и П.Антропова И.В.Сталину о ходе выполнения на 1951 году... Атомный проект СССР: документы и материалы.Т.2. Кн.5 с.710.  
[http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr\\_t2\\_kn5\\_2005/go,710](http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr_t2_kn5_2005/go,710).
26. Об образования министерства среднего машиностроения. Атомный проект СССР: документы и материалы.Т.2. Кн.5, С.561. [http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr\\_t2\\_kn5\\_2005/go,561/](http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr_t2_kn5_2005/go,561/)
27. История уранодобычи. Автор составитель: Н.Петрухин. –Москва. –2020. 108-209 с.
28. Навоий КМК Марказий архиви. 1-Фонд, 1-2 рўйхат, 240-иш, 1-варақ.
29. Навоий КМК Марказий архиви. 1-Фонд, 1-2 рўйхат, 240-иш, 3-варақ.
30. Навоий КМК Марказий архиви. 1-Фонд, 1-5 рўйхат, 1435-иш, 4-варақ.
31. Навоий КМК Марказий архиви. 1-Фонд, 1-1 рўйхат, 49-иш, 151-варақ.
32. Навоий КМК Марказий архиви. 1-Фонд, 1-1 рўйхат, 49-иш, 155-варақ.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 8 (3)-2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).